# ФАРҒОНА ВИЛОЯТ СУДИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ - ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ РАИСИ ТАЙИНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 февралдаги фармойишига асосан, Хасанов Ойбек Алиевич Фарғона вилоят суди раисининг ўринбосари - фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси тайинланди.

Ойбек Хасанов 1978 йилда Данғара туманида туғилган, меҳнат фаолиятини Қиргули туман прокуратурасида бошлаган. Турли йилларда Тошлоқ тумани ва Қўқон шаҳарларида масъул вазифаларда меҳнат қилган. 2012-2015 йилларда фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти Янгиқўрғон туманлараро судининг раиси, 2015-2018 йилларда Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят судининг судьяси, 2018-2020 йилларда эса Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят суди раисининг ўринбосари лавозимларида фаолият олиб борган.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,
2021-03-02 14:23:11